

ФЕРУЗХОННИНГ ҲАЁТИ ВА ТАРАҚҚИЙПАРВАРЛИК ФАОЛИЯТИ

*Matkarimova Sadoqat Maksudovna, Maъmun universiteti
“Tarix” kafedраси мудири, тарих фанлари доктори, доцент*

FERUZKHAN'S LIFE AND PROGRESSIVE ACTIVITY

*Matkarimova Sadoqat Maksudovna, Head of the Department of
History at Mamun University, Doctor of Historical Sciences,
Associate Professor*



<https://orcid.org/0000-0002-4641-8686>
e-mail:
sadoqatmaksudovna1982@gmail.com

ЖИЗНЬ И ПРОГРЕССИВНАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ФЕРУЗХАНА

*Matkarimova Sadoqat Maksudovna, zaveduyushchaya kafedroy
“Istoriya” universiteta Maъmun, doktor istoricheskikh
nauk, dozent*

Аннотация: Ушбу мақолада Хива хони Муҳаммад Раҳимхон соний – Ферузхоннинг ҳаёти, ҳукмдорлик фаолиятидаги тараққийпарварлиги таҳлил этилади. Мустамлака ўлка ҳукмдори бўлишига қарамай, хонликда жади́дларни қўллаб-қувватлагани, Россия пул бирлигини киритишига қарши тургани, адабиёт ва санъатни, матбаачиликни ривожлантиргани ўша даврга оид манбалар асосида тадқиқ қилинади.

Калим сўзлар: Хива, Нижний Новгород, Санкт-Петербург, мадраса, жади́д мактаби, кўргазма, матбаахона, шеърият, санъат.

Abstract: This article analyzes the life of the Khan of Khiva, Muhammad Rahim Khan Soni Feruzkhan, and his progress in ruling activities. Despite the fact that he was the ruler of a colonial country, his support for the Jadids in the khanate, opposition to the introduction of the Russian currency, the development of literature and art, as well as the printing business are investigated based on sources dating back to that time.

Key words: Khiva, Nizhny Novgorod, St. Petersburg, madrasah, Jadid school, exhibition, printing house, poetry, art.

Аннотация: В этой статье анализируется жизнь Хивинского хана Мухаммад Рахим-хана Сони-Ферузхана, его прогресс в правящей деятельности. Несмотря на то, что он был правителем колониальной страны, его поддержка джадидов в ханстве, противодействие введению русской валюты, развитие литературы и искусства, а также печатного дела исследуются на основе источников, относящихся к тому времени.

Ключевые слова: Хива, Нижний Новгород, Санкт-Петербург, медресе, джадидская школа, выставка, типография, поэзия, искусство.

КИРИШ. 1511 йилдан 1920 йилгача бўлган 509 йиллик даврда Хива хонлари тахтида энг кўп – 47 йил ҳукмронлик қилган ҳукмдор Ферузхон эди. 1863 йилдан 1910 йил августигача бўлган муддат ичида у 10 йил давлатни мустақил бошқарди. 1873 йилдан кейинги 37 йил эса Россия империяси мустамлакаси сифатида

ўлкага ҳукмдорлик қилди. Аммо, мустамлака хонлик ҳукмдори бўлса-да давлатда маърифатни юксалтириш, саноатни олиб кириш, жади́дларга ҳайрихоҳлик қилди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДИ. Ферузхон ҳукмдорлиги ҳақида Баёнийнинг “Шажараи Хоразмшоҳий”,

“Ходимнинг “Хоразм навозандалари”, Лаффасийнинг “Тазкираи Шуаро” асарлари, наққош ва муаррих Абдулла Болтаевнинг кўлёмалари, шунингдек “Туркестанские ведомости”, “Таржимон” газетаси, ўша даврга оид кўплаб илмий адабиётлар ва Ўзбекистон Миллий архивининг № 125-фондида кўплаб ноёб манбалар мавжуд. Ушбу асарлар, кўлёмалар, даврий нашрлар, архив ҳужжатларини бири-бирига таққослаган ҳолда ўша давр ва Ферузхон ҳукмдорлиги тўғрисида ҳолис ва ҳаққоний ҳулоса чиқариш мумкин.

МУҲОКАМА. 1910 йил 16 август куни Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз) вафот этади. Баёнийнинг “Шажараи Хоразмшоҳий” асарида ёзилишича, “Хон ҳазратларига бир қотиғ беморлик ориз бўлиб, бир неча кунлардан сўнг андак афоқат топдилар. Аммо ул мараз бадани муборакларидан зойил бўлмади. Тамоми атибоннинг муомилажасида ожиз бўлдилар. Ҳарчанд зоҳидлар ва обидлар дам солдилар, таъсир этмади” [1].

Ана шу касаллик В.В Бартольд таърифлаган “буюк маърифатпарвар”ни ҳаётдан олиб кетди. Ўша йилнинг 18 августида “Туркестанские ведомости” газетаси ёзганидек, “Марҳум улкан қалб эгаси, доно сиёсатчи, атоқли давлат арбоби эди”. Баёний ва Абдулла Болтаевларнинг асарларида Ферузнинг Хива хони сифатидаги ҳукмдорлиги 47 йилу 15 кун деб, Лаффасийнинг “Тазкираи шуаро”сида эса 47 йилу 8 ой 20 кун деб кўрсатилади.

19 аср охири ва 20 аср бошларида Хоразмда илму фан, адабиёт ва санъатнинг ривожланишига ҳомийлик қилган Муҳаммад Раҳимхон II шу тариқа Хива хонлари ичида энг кўп муддат ҳукмронлик қилган эди.

Феруз 1844 йилнинг баҳорида – кутлуғ Наврўз кунида Хива хони Сайид Муҳаммадхоннинг оиласида таваллуд топганди. Хон ўғлига Бобожон дея исм қўяди. Бобожон Тарроҳ Азизов-Ходим ўзининг “Хоразм навозандалари” номли кўлёмаси асарида шундай ёзади: “Бобожон тўра Хива шаҳрининг ичкараси қаъласидаги Ҳасанмурод Кушбеги кўлидаги подшоҳликнинг Кўҳна Арк деган жойида туғилган” [2].

Бобожон тўра дастлабки таълимни саройдаги мударрислардан, кейин эса Хива шаҳридаги Араб Муҳаммадхон мадрасасида таҳсил кўрган, давлат, ҳуқуқ илмини замонасининг машҳур

мударриси, шоир ва олим Доий, Юсуфхўжа охун ва бошқалардан ўрганган. Шоир, таржимон Огаҳий Ферузга устозлик қилган, унга шеърят сирларини ўргатган, тарих, таржима илмидан сабоқ берган.

Бобожон тўра илмга ва шеърятга бўлган ихлоси туфайли Муҳаммадризо Огаҳий унга устозлик қилади. Сайид Муҳаммадхоннинг 6 ўғли ва 1 кизи бўлган. У 1863 йили қорасон касаллигидан вафот этишидан олдин 19 ёшли шахзода Бобожон тўрани хон қилиб кўтаришни Кушбеги Ҳасанмуродга тайинлайди. Ана шу санадан бошлаб Бобожон тўра Хива хони сифатида фаолият кўрсата бошлайди. Давлат ишларини бажаришда Муҳаммад Раҳимхон II номи билан, ёзган шеърларида эса Феруз ва Комрон тахаллусларини қўллайди.

“Агар ўша давр сиёсий аҳволини назарга олсак, Ферузнинг хон сифатидаги улкан сиймоси аниқ намоён бўлади. Мамлакатдаги чигал ички зиддиятлар, ташқи муносабатдаги хонликка ҳар дақиқа хавф солиб турган жиддий муаммолар ақл-идрок, сабр-тоқат билан иш юритишни талаб этади. Ферузнинг 1873 йилгача – Хиванинг руслар томонидан босиб олинишигача бўлган даврдаги салтанат сиёсати, давлатни қандай аҳволда қабул қилиб олгани, айниқса Хива хонлигининг ташқи музофотлар билан алоқаси қисмат тадқиқот доирасидан четда қолиб кетди. У салтанат сиёсати гирдобиде туриб ғазаллар ёзишга, қалбдаги олий ҳисларни бадий ифодалашга журъат этган инсондир. Шу боис унинг ижодига “Буюк мерос” деб қаралиши Феруз сиймосига бўлган меҳр-муҳаббатнинг ифодаси сифатида қабул қилинади. Инсонда сўз билан ифодалаб бўлмайдиган ҳислар бор. Улар оҳанглар тилидагина қалбларга йўл топади. Бастакор Феруз ана шу хислати билан бошқа шоҳ-шоирлардан ажралиб туради. У яратган куйлар – “Муҳаммаси Феруз”, “Пешрави дугоҳи Ферузий”, “Сақили Ферузий”, “Соғ усули Ферузий”, “Муҳаммаси Ферузий” мусиқа санъатимиз хазинасига кўшилган муносиб ҳиссадир” [3].

Ана шундай истеъдодли Феруз, ўзи ижод қилибгина қолмасдан, сийратидаги илму фанга, шеърятга ихлоси бўлгани туфайли кўпроқ ижод билан шуғулланувчиларни – шоир, гўянда, бастакор, табиб, таржимонларни саройга, ўз атрофига тўплайди. Ҳар ҳафтада икки кун

маданий-маърифий кечалар ўтказиб, унда ижодкорларнинг дарду хасратларини эшитади, уларнинг шароитларини яхшилашга ҳаракат қилади.

Лаффасий ўзининг “Тазкираи Шуаро” асарида Ферузхоннинг саройидаги маърифий тадбирларда иштирок қиладиган 50га яқин шоирлар ҳақида маълумот бериб, улар истеъдодининг юзага чиқишида Ферузнинг роли бекиёс катта бўлганлигини таъкидлайди. Феруз нафақат Хивадаги, балки бутун хонликдаги иқтидор эгаларини саройга тўплашга ҳаракат қилади. Буни Лаффасий асаридаги шоирларнинг турли жойлардан эканлиги ҳам кўрсатиб турибди.

Жумладан, Гурланлик, Ҳазорасплик, Қўнғиротлик, Шовотлик, Урганчлик, Тўртқўллик шоирлар Ферузхон саройидаги шеърят кечаларида ўз истеъдодларини намойиш қилганлар.

“Феруз шунингдек, бошқа соҳа вакиллари билан ҳам қизиқиб турган. Унинг ҳукмронлиги даврида Хивада барпо бўлган масжид, мадраса, боғу роғларнинг, минора ва саройларнинг қурилишида шахсан хоннинг катта ўрни бор эди. Ганчкор уста Худойберган хожи, уста Нурмат, уста Бобожон, уста Исмоил, Оташайх, Мулла Вафо, Зайниддин, Одина Муҳаммад, Рўзи Муҳаммад сингари ганчкор наққош, ўймакор усталарнинг ишлари ривож ҳам Феруз номи билан боғлиқдир. Шунингдек, Феруз ариқ ва ёпларнинг қазилиши ва тозаланишларида ҳам иштирок этиб, уларга раҳбарлик қилган.

1873 йил Хива хонлигига Туркистон генерал-губернатори К.П.фон Кауфман бошчилигидаги Россия армияси ҳужум қилиб, хонликнинг асосий шаҳарлари ва пойтахтни босиб олган. Гандимиён шартномаси (1873 йил 12 август) га кўра, Хива хонлиги подшо Россиясига қарам бўлиб қолган. Ана шу даврда – 1873 йилнинг 12 августидан эътиборан Муҳаммад Раҳимхон II Чор империясининг Хива хонлигидаги кўғирчоқ ҳукмдори сифатида фаолият кўрсатди. Бу муддат 1910 йилгача – 37 йил давом қилди” [4].

Бир йигит умри билан тенг шу йилларда Феруз мустамлака давлат ҳукмдори бўлишига қарамай, мустақил хонлик пайтидаги маърифий ишларини давом қилдирди. 1876 йилда Ферузнинг саъйи ҳаракатлари билан Хивада барпо қилинган тош

босма усулидаги босмаҳона, нафақат Хоразмдаги, балки Туркистон худудидаги илк матбааҳона эди.

Ферузнинг Петербургга 1907 йилги сафари янада хайрли бўлди. Сафарда Ферузга йўлдош бўлган Худойберган Девонов хон буйруғига кўра, янги русумдаги кино ва фотоаппаратларда ишлашни ўрганиб, Хоразмга тараққиётнинг шу турини олиб келади. Бунинг натижасида Вильгелм Пеннердан кейин Хоразмда иккинчи бўлиб, Девоновнинг саъйи-ҳаракатлари туфайли 20 аср бошларидаги Хоразм ҳаёти, жамиятдаги жараёнлар кино ва суратларга абадий муҳрланиб қолди.

Шунингдек, 19 аср охири ва 20 аср бошларида Хоразмда бунёд этилган масжид, мадраса, минора, рус тузем мактаблари, жадид мактаблари, Россия томонидан қурилган саноат корхоналарининг қад ростлашида Ферузнинг жуда катта хизмати бор.

Феруз шу сингари маданий-маърифий ишлари, курдирган ва бошчилик қилган иншоотлари, яратган бебаҳо ғазаллари, басталаган куйлари билан ўзига 66 ёшида абадий “ҳайкал” қўйиб кетди. Бу “ҳайкал” унинг даври ва ўзидан қолган меросдир.

Ферузхон хонликни тараққий қилдириш учун хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш мақсадида, 1885 йилдаёқ Россия орқали Европага саёхат қилишни режалаштирган. 1891 йил августида Хивада рус-тузем мактаби ҳам айнан Ферузхон ташаббуси билан ташкил этилади ва унга Тошкент ўқитувчилар семинариясини тугатган Хусайин Иброҳимов таклиф этилади. 1893 йил баҳорида Рязань-Урал темир йўли ширкати Уралъск шаҳридан Амударёга қадар темир йўл қуришни лойиҳалаштириш режасини Ферузхон билан муҳокама қилади.

“Феруз 1896 йили Петро Александровскдаги вакили Муҳаммадюсуф ясовулбоши орқали Қримдаги Исмоил Гаспралига ўзининг ҳадяларини юборади ва “Таржимон” газетасини ўқиб боришини айтади. 1896 йилнинг 26 май куни Ферузхон ва валиаҳд Асфандиёрлар Санкт Петербургда император қабулида бўлиб дўстона ҳамкорлик ва иқтисодий алоқалар бўйича суҳбат қуришади. Июнь ойида Феруз ва Асфандиёрлар Москва шаҳрида бўлиб ўтган давлатлараро тадбирда иштирок этишади. Москвадаги тадбирларда Ферузхон ва Россиялик ҳукумат

амалдорлари, ирригаторлари билан Амударё сувларини эски ўзандан Каспийга қуйиш масаласи ҳам муҳокама қилинган. 30 июнда эса Нижний Новгород шаҳридаги иқтисодий кўргазмада ҳам қатнашишган. Ушбу шаҳардан матбаахона ускуналарини сотиб олган ва Хивадаги мадраса вақфига топширган” [5].

Феруз ҳукмдорлиги даврида китобат ишларига катта аҳамият берилган: девон тузиш, тарих ёзиш, таржима ишларини ривожлантирган. Хоразмда таржима мактаби яратилган. Форс ва араб адабиётининг энг нодир тарихий, адабий, илмий асарларини ўзбек тилига таржима қилдирган. Унинг ҳукмронлиги даврида Огаҳий ва Баёнийлар томонидан Хоразм тарихига оид асарлар ёзилган. Комил Хоразмий мумтоз мақомлар учун нота ёзувини ихтиро қилган. Хивада босмахона (тошбосма) ташкил эттирган. Унда Хоразм шоирлари ҳақидаги “Мажмуат уш-шуаро” тазкираси, Алишер Навоий асарлари, Хоразм шоирлари девонлари нашр қилинган.

Феруз Ҳиндистон, Арабистон, Эрон, Туркия савдогарлари орқали Хоразмга хориждан ноёб китоблар келтиртирган ва уларни кўп нусхаларда кўчиртирган, тарих ва адабиётга оид китоблардан иборат бой кутубхона яратган. Феруз меъморлик, наққошлик, хаттотлик каби санъат турларини ҳам ривожлантирган. Бу даврда фотография ва кино санъати вужудга келган, ободончилик ишлари амалга оширилган.

Феруз 1871 йил Кўҳна Арк каршиида ўз номи билан аталувчи 2 қаватли мадраса курдирган. Муҳаммад Раҳимхон II даврида Матниёз девонбеги, Матмурод девонбеги, Иброҳимхўжа, Юсуп ясовулбоши, Хусайин Муҳаммадбой, Дўст Альям, қозикалон Салим охун, Ислом хўжа, Муҳаммадпанобой, Матрасул мирзабоши ва бир қанча амалдорлар хондан ўрнатилган олиб кўплаб мадрасаларни барпо этдилар. Хивадаги саройлар ва қасрлар орасида энг машҳурларидан бири Муҳаммад Раҳимхон II томонидан 1897-1910 йиллари қурилган Қибла Тоза боғ қасридир. Қаср кенглиги, меъморий услуби, Хива айвонларининг турли-туманлиги, техникасининг бетакрорлиги билан ажралиб туради. Сарой учта катта мажмуадан иборат: биринчи ҳовли хон ва сарой аҳли, хизматкорлари учун. Иккинчи ҳовли хон ва унинг оила аъзолари учун бир неча айвон, учинчи ҳовли Европа услубида қурилган айвон ва катта хоналардан иборат, ўртасида катта ҳовуз

ва гулзорлар бор. Қасрнинг гир атрофи боғ билан ўраб олинган. Хон бундан ташқари Кўҳна Аркда жойлашган ҳарам ҳовлисини ҳам қайта курдирган. Ферузнинг бевосита раҳбарлиги ва ташаббуси билан 30 дан ортиқ мадраса, масжид, минора, хонақолар қад ростлаган. Феруз давлат мироби Огаҳий ташаббуси билан ерларни сув билан таъминлаш, боғ-роғлар барпо этиш ишига ҳам алоҳида аҳамият берган. Унинг буйруғига мувофиқ, Кўнғирот тумани сарҳадида катта ариқ бунёд этилган. Ҳозирда ушбу ариқ “Хон ариғи” деб аталади.

Феруз мумтоз шеърининг анъанавий жанрларида лирик шеърлар яратган. Шеърлари, асосан, ишқ-муҳаббат мавзуида. Инсон ва ҳаёт, севги ва садоқат Феруз ижодининг ғоявий асосини ташкил қилади. Улар оҳангдорлиги, тасвирий-ифодавий бўёқларга бойлиги ва шаклан ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Унинг кўпчилиги ғазаллари ўз замонасида созандалар ва гўяндлар томонидан куйга солиб куйланиб келинган.

Муҳаммад Раҳимхоннинг 1898 йил 12 апрелдаги фармони билан хонлик худудларида қадимдан қолган музейбоп буюмлар тўпланила бошланди. Хоннинг вилоят ҳокимликларига юборган буйруғи шундай эди: “Қадимдан қолгон ёдгор нима нарсаларни йўқ қилдурмасунлар, ҳар бир тариха кўҳна жой ва қалъа ва иморат бўлса не тариха бино бўлгонларни ва кўҳна тилла ва танга ва пуллар бўлса борлаб топиб мунда юборсинлар”. Ана шу фармонга асосан Хоразм осори-атиқалари 1890 йилда Тошкентда, 1895 йилда Нижний Новгородда ўтказилган Бутунроссия кўргазмасида, 1900 йилда Парижда, 1904 йилда АҚШнинг Миссурий штатида ўтган халқаро кўргазмаларда намойиш қилинади.

НАТИЖА. Айнан миллий руҳиятдаги Ферузхон ўзидан бой адабий мерос қолдирган эди ва у шеърларига “Девони Феруз” номи билан тартиб берган (1879). Бу девон Муҳаммад Шариф томонидан қайта кўчирилган (1900). Ферузнинг ўзи Паҳлавон Маҳмуднинг 350 рубойисини қўлда кўчириб, китоб ҳолига келтирган. Феруз Шашмақом куйларини ўрганган, саройда мақом ансамблини тузган. “Наво”, “Дугоҳ”, “Сеғоҳ” мақомларига боғлаб куйлар яратган. Бу Ферузхоннинг адабиёт ва санъат ҳомийси сифатида ҳукмдорлигидан

ташқари айнан ўзи ҳам ўзбек адабиёти ва санъати ривожига кўшган шахсий хиссасидир.

Бундан ташқари Ферузхон Исмоил Гаспиралининг “Таржимон” газетасини ўқибгина қолмай, Хоразмда тарғиб ҳам қилган. Хоразмда 1897 йилдан бошлаб жадид мактаблари ташкил этилиши, мактаб учун Қозон, Қрим, Оренбург шаҳарларидан педагоглар таклиф қилиш, уларга зарур шарт-шароит яратиб беришга бошчилик қилади. Шунингдек Хивадан ташқари, Гурлан, Янги Урганч, Хонқа худудларида ҳам жадид мактаблари очишга рухсат беради. Жумладан, 1908 йил декабрида Оренбургдан Муҳаммад Рифо карвонбоши билан Абдурахмон афанди деган ўқитувчи Хивага келади. Ферузхон рухсати билан унга Янги Урганч шаҳрида жадид мактаби очишга рухсат берилади. Янги Урганчдаги жадид мактабига яна Қозон шаҳридан икки нафар – Юсуф ва Хусайин афанди исмли ўқитувчилар ҳам таклиф қилиниб, фаолиятини бошлаб юборишади.

“Муҳаммад Раҳимхон соний – Феруздан 6 ўғил ёдгор қолди, уларнинг исмлари: Асқар, Муҳаммадёр, Саййид Абдулла, Саййид Асфандиёр, Ибодулла, Муҳаммад Юсуф тўралар. Муҳаммад Раҳимхон II - Феруз вафот этгач, 1910 йил августида Хива тахтига унинг тўртинчи ўғли Саййид Асфандиёр тўра кўтарилди. Эртасига Ферузнинг ўзи қурдирган Аркнинг олдидаги мадрасанинг саҳнида жанозасини ўқиб, отаси Саййид Муҳаммад Моҳийрўйижаҳоннинг куббайи олийларида тупроққа кўйилди”[6].

Ферузхон 1910 йил 16 августда вафот этган ва қабри Дешонқалъадаги Саййид Моҳи Рўйи жаҳон мажмуасидаги мақбарада.

ХУЛОСА. Ферузхоннинг 47 йиллик ҳукмдорлик даврини таҳлил этишимиз шуни кўрсатадди, у адабиёт ва санъат, жадид

мактаблари, матбаачилик ҳомийси, хонликка саноатни олиб киришга интилган, кўплаб мадрасалар барпо этдирган, умуман олганда тараққийпарвар давлат арбоби бўлган. Шунингдек ўзбек адабиётида ва мусиқа санъатида ундан бой ижодий мерос қолган. Ана шу жиҳатдан Ферузхон Хоразм тарихида номи боқий қолган ҳукмдордир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Баёний “Шажараи Хоразмшоҳий”, “Камалак” нашриёти, 1991 йил, 78 бет.
2. Бобожон Тарроҳ Азизов-Ходим. Хоразм навозандалари. Ғ.Ғулом номли нашриёт. Тошкент -1991 йил 35-бет.
3. Неъматжон Солаев, //Хива журнали, 1994 йил № 5-6-сонлар, 4-бет.
4. Садоқат Маткаримова, Умид Бекмуҳаммад. Хива хонлиги Россия империяси мустамлакачилиги даврида. Дурдона нашриёти, Бухоро -2025 йил. 77,78-бетлар.
5. Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад. Хоразм жадидчилиги: ислохотлар, таълим ва адабиёт. Milleniumus print нашриёти, Урганч -2024 йил, 54-бет.
6. Комилжон Худойберганов. Хоразм хонлари. Академнашр, Тошкент -2019 йил, 174-бет.
7. Умид Бекмуҳаммад Хоразм жадидчилиги энциклопедияси. Milleniumus print нашриёти, Урганч - 2024 йил.
8. Умид Бекмуҳаммад, Сайёра Самандар. Бобоохун Салимов – жадид, давлат арбоби ва шоир. Milleniumus print нашриёти. Урганч-2024 йил.
9. Умид Бекмуҳаммад, Сайёра Самандар. Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси. Milleniumus print нашриёти. Урганч - 2024 йил.

